# ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК САРИ

**Илгари хабар қилганимиздек, яқинда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг мажлислар хонасида пойтахт тадбиркорларининг навбатдаги кенгаши бўлиб ўтди. Унга туман ҳокимлари, корхона ва ташкилот раҳбарлари таклиф қилинди. Шунингдек, кенгашда шаҳардаги 600 га яқин кичик, хусусий, қўшма корхоналар раҳбарлари қатнашди.**

**Мажлисни Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов олиб борди. Сўзга чиққанлар ўтган йилнинг 16 декабрида Тошкентда бўлиб ўтган Республика Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги мажлисида юртбошимиз томонидан қўйилган долзарб вазифалар хусусида гапирдилар. Қуйида айрим тадбиркор ва корхона раҳбарларининг иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ишлари билан танишасиз.**



**• СУРАТДА: пойтахт тадбиркорлари кенгашида.**

Виктор Багаев олган сурат.

## ТАШАББУСКОРЛИК ВА ҚАТЪИЯТ ЗАРУР

*Абдулла ФАЙЗУЛЛАЕВ,*
*Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий бошқармаси бошлиғи, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари:*

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1994 йил 16 декабрда идоралараро кенгаш йиғилишидаги нутқи республикадаги тадбиркорлик фаолиятларини ривожлантириш, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг асосий йўналишларини белгилаш масалаларига бағишланган эди. Мазкур кенгашда ушбу доиралардаги ислоҳотлар жараёнига тўсқинлик қилаётган муаммолар кўриб чиқилди. Идоралараро кенгаш қарорини ривожлантириш мақсадида Президентнинг 1995 йил 5 январда "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони чиқди.

Мен ўтган йилда Тошкент шаҳридаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари ва Президентимизнинг Фармонлари ва хукуматимиз қарорлари асосида 1995 йил учун белгиланган вазифаларга тўхталмоқчиман.

Ўтган йилдаги тадбиркорлик фаолиятларининг асосий йўналишлари қуйидагилар эди: хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида давлат корхоналарини мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантириш; шаҳар иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб қилиш; янги мулкдорларга уларнинг корхоналари бозор муносабатлари шаклланиш шароитларида оёққа туриб олишлари учун ёрдам кўрсатиш; хусусий ва жамоа корхоналарини тузиш йўли билан шаҳар фуқароларини тадбиркорлик фаолиятларига жалб қилиш; тадбиркорлик фаолиятларини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш масалалари билан шуғулланадиган жамғармалар ва марказлар, уюшмалар ва иттифоқларни ташкил қилиш.

Ўтган йилда Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳридаги бошқармаси томонидан 1846 та корхона, муассаса ва ташкилотлар мулкчиликнинг нодавлат шаклига айлантирилди. Улардан 408 таси давлат дастури бўйича, 670 таси ҳиссадорлик жамиятлари ва жамоа корхоналари таркибидан чиққанлар, 768 таси давлат дастуридан ташқари меҳнат жамоаларининг аризаларига кўра амалга оширилган.

Давлат бюджетига 30 миллион сўмдан ортиқ пул тушди. Унинг учдан бир қисми республикамиз пойтахтини ободонлаштириш ва қайта қуриш мақсадларида фойдаланадиган шаҳар бюджетига ўтказилди.

Маълумотларга кўра 1994 йилда хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг давлат дастури 100 фоизга, сотиб олиш тўловлари бўйича эса 255 фоизга бажарилди.

Ҳужжатларнинг ўтиш ва тайёрлаш жараёнининг соддалаштирилиши ва ҳар бир туман ҳокимликлари билан келишилган, хусусийлаштиришнинг туман ва шаҳар дастурларининг ишлаб чиқилиши Давлат дастурининг бажарилишида катта аҳамият касб этди.

1994 йилнинг бошида Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур ва Яккасарой туманларида хизмат кўрсатиш жабҳалари ва савдо тармоқларини кичиклаштириш-бўлиш бўйича тажриба ўтказиш режалаштирилди ва ўтказилди.

Тажриба шуни кўрсатадики, ҳиссадорлик жамиятлари ва жамоа хўжаликларидан чиққан корхоналарнинг 75 фоизи хусусий, 25 фоизи жамоа корхонасига айланишга истак билдирдилар. Тадбиркорларнинг мулкка нисбатан муносабатлари ўзгарди.

Ҳозирги вақтда шаҳарнинг барча туманларида бу тажриба кенг қўлланилмоқда ва "Ўзбексавдо", "Ўзмаишийхизматуюшмаси" ва "Тошширкатбозорсавдо" тизимларидаги ҳиссадорлик жамиятлари ва жамоа хўжаликлари таркибидан чиқиш учун кўплаб аризалар тушмоқда.

Агар ижтимоий жабҳа тармоқларидаги хусусийлаштиришнинг бош йўналиши монопол тузилмаларини парчалаб хусусий ва жамоа корхоналарини тузиш бўлган бўлса, саноат, машинасозлик, транспорт ва алоқа тармоқларида эса ҳаракатдаги давлат корхоналари асосида очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларини тузиш бўлди.

Натижада фонд биржалари орқали 52 та ҳиссадорлик жамиятларининг қимматли қоғозлари умумий 19,1 миллион сўмга сотилди. Аҳолининг бунга бўлган қизиқиши табиийдир. Лекин, бугунги кунда аҳоли амалда қимматли қоғозларнинг чиқарилиш тартиби, сотилиши, фойда тўланишининг тартибларидан яхши хабардор эмасдир. Бу эса акциядорларнинг ҳуқуқий ҳимоялари ва фонд бозорида уларнинг сотилишини қийинлаштирмоқда.

Ўтган йили бошқарма томонидан қайта тузилган ҳиссадорлик жамиятларининг 57 таси ёки 60 фоизида таъсис йиғилишлари тайёрланди ва ўтказилди. Адлия вазирлигидан 38 та, молия вазирлиги ва шаҳар молия бош бошқармасидан 19 та ҳиссадорлик жамиятлари рўйхатдан ўтдилар.

Кўчмас мулк нуқталарининг ҳаракатдаги бозор баҳосини белгилаш мақсадида 1994 йилда 9 та ким ошди савдолари ўтказилди ва умумий баҳоси 163 миллион сўм бўлган 49 та объект сотилди.

Ўтган йилда шаҳар иқтисодиётига хориж сармоясини жалб қилишга асосий эътибор қаратилди. Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган 400 дан ортиқ қўшма корхоналардан 125 таси Давлат мулки қўмитасининг рўйхатидан ва қайта рўйхатдан ўтдилар. 4 миллион АҚШ долларидан ортиқ хориж сармояси жалб қилинди. Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган "Совпластитал", "ЎзДЭУ Электроникс", "ЎзТабанАмерика", "Тошинтерм", "Медиз" ва бошқа корхоналар бутун жаҳон миқёсида тан олинадилар.

Шаҳардаги тадбиркорлик тузилмаларининг асосини юқори сифатли маҳсулотлар ва хизматлар билан истеъмол бозорини тўлдириш ва ишлаб чиқаришни жадал қайта қуриш имконига эга бўлган кичик корхоналар ташкил қилади. Ҳозирги вақтда шаҳарда 7523 та кичик корхона мавжуд бўлиб, уларнинг маҳсулотларини сотишдаги ҳиссаларининг умумий ҳажми 1,9 миллиард сўмни ташкил қилади. Бу эса кундалик эҳтиёж молларини сотишдан тушган фойданинг шаҳар корхоналари ичидаги умумий ҳажмининг 39,2 фоизидир.

Лекин Тошкент шаҳрида тадбиркорликни ривожлантириш ишида қуйидаги муаммоларга дуч келинмоқда: тадбиркорлик тузилмаларининг рўйхатдан ўтишлари кўп босқичли тавсифга эга. Айниқса, ҳиссадорлик жамиятларининг рўйхатдан ўтишлари анча мураккаб. Чунки уларнинг Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтиш жараёнлари 30 кун атрофида вақтни олади. Бундан ташқари ушбу жамиятларнинг мулкларини умумий нархлари 500 миллион сўмдан ортиқ бўлса, қимматбаҳо қоғозлар, акциялар чиқариш каби ишлардан ташқари Молия вазирлигидан рўйхатдан ўтишларига 40 кун атрофида вақт сарфланади.

Бу қийинчиликларнинг ҳаммаси материал харажатлар ва қоғозбозлик каби иллатлар билан боғлиқдир.

Президентимизнинг шу йил 5 январдаги Фармони чиқиши билан хусусий корхоналарни рўйхатдан ўтказиш жараёни тўлиқ қайта кўриб чиқилмоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасидаги тўловларнинг йўқлиги хусусий корхоналарга ҳам салбий оқибатлар олиб келмоқда.

Шу нарсани қониқиш билан айтиб ўтишни хоҳлар эдимки, ҳуқуқий шахслар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида тўлов лимити, яъни чек дафтарчаси тартиби йўлга қўйилган. Бу эса маҳсулотлар айланишини тезлаштиради.

1995 йил хусусийлаштириш ва Давлат тасарруфидан чиқаришда тадбиркорликни ривожлантириш доирасида катта вазифалар қўяди. 5 мингдан ортиқ хусусий ва кичик корхоналарни тузиш режалаштирилмоқда.

Бизнинг вазифамиз эса қуйидагилардир: нодавлат шўъбасининг ҳиссасини ошириш, кўпукладли иқтисодиётни тузиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хориж сармоясини жалб қилиш, давлатимизнинг иқтисодий фаолиятига аҳолининг оддий қатламининг кенг иштирокини таъминлаш, қимматбаҳо қоғозлар ва кўчмас мулк бозорини тузиш ва ривожлантириш ва янги иқтисодий ислоҳотлар жараёнларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.

Президентимиз чиқарган фармонга кўра, Тошкент шаҳридаги корхоналар фаолиятини рўйхатга олишни ташкил қилиш учун барча масъулият Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари мақомига эга бўлган ва шаҳар ҳокимлиги хизматларининг шунга мувофиқ бўлимларини унга бўйсундириб Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки қўмитасининг худудий бошқармаси бошлиғига юкланади.

Туманларнинг ҳокимликлари хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Республика ҳукумати ва Президентимизнинг қуйидаги йўриқнома ҳужжатлари ва мазкур фармонларини бажаришлари учун амалдор шахсларнинг масъулликларини ошириш тартибларини белгилашлари зарур.

## Тадбиркор нималарга қодир?

— Ҳукуматимизнинг оқилона сиёсати натижасида халқимиз ўз хусусий мулкига эга бўлмоқда. Ўтган йили ташкил топган "Жамол" хусусий фирмамиз ҳам мустақиллигимизнинг мевасидир.

Фирмамизнинг 1994 йилдаги маҳсулот айланмаси 6 миллион 439 минг сўмни ташкил этди. Соф даромад 1 миллион 650 минг сўмга тенг бўлди.

Ҳозирги кунга келиб 100 га яқин корхоналар билан шартномалар тузганмиз. Буларнинг орасида Тошкент, Чирчиқ, Ангрен, Оҳангарон ва бошқа шаҳарлардаги корхоналар ҳам борлигини қувонч билан таъкидлашимиз мумкин.

Умуман олганда бу йилги режаларимиз ҳам ёмон эмас. Лекин ишимизга ҳалал бераётган айрим муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Масалан, илгарилари Олмалиқ кимё заводидан маҳсулот олардик. Дўконларимиз хусусийлашгандан кейин улар биз билан шартнома тузишни рад этишди. Сабаби, улар фақат Давлат савдо ташкилотлари билан шартнома тузишармиш. Ўтган йилги бу борадаги қанчадан-қанча ҳаракатларимиз зое кетди. Натижада

### ШАРТНОМА АСОСИДА

*Жамол КАМОЛОВ,*
*"Жамол" хусусий фирмаси:*

дўконларимизни шампун, кир ювиш воситалари ва бошқа уй-рўзғор буюмлари билан кераклича таъминлай олмадик. Пулни вақтида ўтказишни кафолатлагандан кейин уларга барибир эмасми?

Яна бир муаммо. Дўконларимизнинг ишлаши учун шаҳар мувофиқлаштириш марказидан рухсатнома олиш керак экан. Бунинг учун ҳар 100 квадрат метр савдо майдонига 130 сўм ҳақ тўлаш лозим дейишди. Бизнинг умумий савдо майдонимиз 510 квадрат метрни ташкил этишини ҳисобга олсак, бу миқдор ойига 660, йилига 7 минг 920 сўмни ташкил этади. Ҳайронман, хусусий мулк эгаси бўлгандан кейин бу пулларни нимага тўлашимиз керак.

Ундан кейин бизга нақд пулга мол сотиб олишга рухсат берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Сабаби, ҳамюртларимиз хорижга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб бориб сотишаяпти. Савдо пулига у ёқдан халқ истеъмол буюмларини олиб келишмоқда. Улар бу маҳсулотларни бизга ўхшаган дўконларга сотишолмасдан тўғри бозорга олиб боришмоқда. Натижада бозорда катта пул маблағлари у чўнтакдан бу чўнтакка ўтиб, фуқароларга берилган ойлик маошлари қайтиб банкка келиб тушмаяпти.

Бундан ташқари ҳар хил тўлов воситаларини яхлитлаштириш ва уни солиқ бошқармасига тўлаш ташкил қилинса ҳам мақсадга мувофиқ бўлур эди.

### ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАЙДОНЛАРИНИ ИЗЛАБ

*А. МАТВЕЕВ,*
*"Новатор" ишлаб чиқариш фирмасининг директори:*

— Ўйланманки, темир йўл хизматлари учун ҳақ тўлаб боришдаги сансалорликлар фақат бизларнинг муаммомизгина эмас. Темир-йўлчилар билан ҳисоб-китоб қилиш учун маош устидан пул олиб пинҳона бозорда уларни долларга алмаштириш орқали иш кўришга тўғри келяпти.

Фирмамиз юқори технологияга асосланган маҳсулотни ишлаб чиқаради. Уни қўшни давлатларда жон деб сотиб олишади. Бироқ, шу ерда яна бир муаммо туғилмоқда. Бу ишлаб чиқариш майдонлари масаласидар. Чунончи, пахта териш комбайнларининг 15 фоизидан поршенларнинг етишмаслиги сабабли фойдаланилмаяпти. Бизда эса уларни ишлаб чиқариш учун лозим бўлган асбоб-ускуналар ва имконият бор. Бироқ уч йилдан бери бизга ишлаб чиқариш майдонларини ажратишлари учун уринмоқдамиз. Барча идораларда фақат ваъдадан нарига ўтишмаяпти. Натижада эса республикамиз ўзимизга ҳам жуда зарур бўлган валютани эҳтиёт қисмларини сотиб олишга сарфлаётир.

Дарҳақиқат, 5 январдаги Фармон жуда умидбахшдир.

Унга кўра хусусий корхоналарда ёлланиб ишлаётган ходимлар сонидан чекловлар олиб ташланади. Ўйлайманки, бу бизга кадрлар масаласини ҳал этишда катта ёрдам беради. Ушбу Фармоннинг яна бир диққатга сазовор томони, аукционлар, танловлар орқали хусусий шахсларга қурилиши тугалланмаган ишлаб чиқариш иншоотлари ва ишлатилмаётган асбоб-анжомларни сотиб олишга имкон яратилган. Мазкур фармон бандлари ҳаётда ўз амалий натижасини кўрсатишига аминмиз.

### АЙНИ МУДДАО

*Э. СТЕПАНОВА,*
*Шайхонтоҳур туманида жойлашган 189-сартарошхона директори:*

— Бизнинг сартарошхона ўтган йилнинг охир да хусусийлаштирилиб, "Эльза" фирмасига айлантирилган эди. Ҳозир фирмамиз аҳолига замонавий талаблар асосида хизмат кўрсатишга ҳаракат қилмоқда.

Бироқ ҳамма ерда бўлгани каби бизда ҳам анча муаммолар йиғилиб қолди. Масалан, биз корхонани хусусийлаштирдик. Лекин фирмамиз жойлашган ерни ижарага олаяпмиз. Ижарачилар эса фирма билан бир йилгагина шартнома тузишяпти. Бу эса ўз навбатида айрим қийинчиликларни туғдирмоқда.

Яна бир масала. Фирма мижозлар учун сифатли атторлик маҳсулотларини бозордан ёки тижорат дўконидан сотиб олади. Савол туғилади. Ўша ҳужжатсиз сотиб олинган маҳсулотлар тўғрисида солиқ идорасига қандай ҳужжат тайёрлаш мумкин? Ўйлайманки, маиший хизмат соҳасидаги кўплаб тадбиркорлар бу муаммога дуч келади. Бундан ташқари ҳеч бўлмаса фойдадан 20 фоизини атторлик маҳсулотлари ва ускуналар олишга ишлатиш учун рухсат берилса айни муддао бўлур эди.

Ўтган икки ой ичида Франциянинг "Лореал", Германиянинг "Велла" ва бошқа хорижий фирмалардан таклифлар тушди. Улар бизга ҳозирги замон талабига жавоб берадиган ускуна, сартарошлик асбоблари ҳамда атторлик маҳсулотларини жўнатишмоқчи.

### СУНЪИЙ ТЎСИҚЛАР

*Д. АЛИМБЕКОВА,*
*Ўзбекистон ишбилармон хотин-қизлар уюшмасининг раиси:*

— Бугунги кунда тадбиркорлар фаолиятига нималар халал беряпти, деган саволга қуйидагича жавоб берган бўлур эдим. Биринчидан, бизни банк идоралари иши қониқтирмайди. Чунки бир жойдан иккинчи жойга пул ўтказиш жуда қийин.

Иккинчидан, хусусий корхона очишга аҳд қилган ишбилармон жуда жиддий тўсиқларга дуч келмоқда. Масалан, ўтган йили биз сайёҳлик билан шуғулланувчи фирма очиш учун ярим йил идорама-идора сарсон бўлдик. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сайёҳлик фирмаларини очишга рухсат бериш ҳақидаги қарори чиққач, ҳужжатларни йиғиб махсус комиссияга жўнатдик. Ҳужжатлар Адлия вазирлигига бориб тушган экан. У ерда яна бир муаммога дуч келдик. Уларнинг гапича фирмани сўм-купон пайтида очган эканмиз. Энди янги миллий валютамизга тўғрилаб ҳаммага ҳужжатларни қайтадан йиғишимиз зарур экан.

Ўйлайманки, юқоридагига ўхшаган муаммоларга ҳозирги кунда кўплаб тадбиркорлар дуч келишмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 январдаги "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ўз вақтида чиққанлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ишбилармон хотин-қизлар уюшмаси томонидан тадбиркорликни ривожлантириш борасида анча ишлар амалга оширилди. Жумладан, тадбиркор мутахассисларни тайёрлайдиган ўқув маркази ишлаб турибди. Бу ўқув масканида ҳозиргача 30 та аёлларимиз ўқиб чиқди. Ҳар ойда тадбиркорларнинг бир нечтаси малака ошириш учун Германияга жўнатилмоқда.

Бундан ташқари уюшма қошида ҳуқуқшунослик фирмасини очганмиз. Бу фирма аёлларимизга бизнеснинг ҳамма соҳалари бўйича маслаҳат бериши мумкин. Шунингдек, уюшма қошида ташқи иқтисодий фирма ҳам ишлаб турибди. У ишбилармонларга хорижий сармоядорларни топишда ёрдам беради.

## ҚАРЗ ОЛМОҚЧИМИСИЗ?

*Т. ПАВЛОВА,*
*Ўзбекистон Республикаси саноат-қурилиш банки Тошкент шаҳар бўлими бошқарувчисининг биринчи ўринбосари:*

—"Ўзсаноатқурбанк"нинг муассасалари кичик бизнес билан машғул бўлган 6445 корхонага ҳисоб-китоб-кредит хизматини кўрсатади.

Шу ўринда характерли бир мисол келтирсак: "Қоратош" масъулияти чекланган жамиятига халқ хўжалигининг турли соҳалари — самолётсозлик, химия саноати ва шу кабиларда ишлатиладиган базальтли жуда ингичка тола ишлаб чиқарадиган линияни сотиб олиш ва ўрнатиш учун 100 минг сўм қарз бердик. Бундан кутиладиган натижа эса қуйидагича — йилига 100 минг донагача курашчилар тўшаклари чиқарилади, йиллик даромад эса 54,5 минг сўмни ташкил этади. Харажатини қоплаш муддати эса 8 ой — 1,5 йил атрофида бўлади.

"Каноп" жамоа корхонаси (каноп фабрикаси)га қўшимча хом ашё олиш ҳамда брезент матолари ва техник йўналишдаги бошқа маҳсулотларни чиқариш учун ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида 500 минг сўм миқдорида қарз берилди.

Шунингдек, бизнинг кредитларимиз "Елена" масъулияти чекланган жамиятига болалар механик боғини қуриш учун, "Алишер ЛТД" масъулияти чекланган жамиятига эса пойабзал ва махсус кийим-кечак тикиш учун хом ашё ва материаллар олиш борасида жуда асқотади.

Албатта қачонки ишончли кафолатлар бўлса банк бемалол қарз бераверади. Бироқ афсуски, тижорат тузилмалари ҳар доим ҳам қарзнинг ўз вақтида қайтарилиши чора-тадбирларини кўрмаяптилар.

"Ўзсаноатқурбанк"нинг Тошкент-шаҳар бўлими қайтариш кафолати, муддатида қайтариш, мақсад юзасидан фойдаланиш, таъминлаш учун тўлов кафолатлари бўлган тақдирда кичик бизнес корхоналарини қарз бериб қўллаб-қувватлашга доим тайёр. Аммо биз хизмат кўрсатаётган мижозларнинг тахминан 10 фоизи йилни турли сабабларга кўра, кўп жиҳатдан пул воситаларини ўтказиш механизмининг нотакомиллиги туфайли зарар билан якунлаётгани кишини ташвишлантиради. Натижада тижорат корхоналари тиклаш ва ишлаб чиқариш фаолиятини йиғиштириб савдо-воситачилик ва савдо-харид фаолияти билан шуғулланишга мажбур бўлишмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг савдо нуқталарини рўйхатдан ўтказиш маркази, солиқ инспекцияси вакиллари ва "Ўзсанқурбанк"нинг муассасалари томонидан ўзаро ҳамкорликда банк кассаларига топшириладиган киримнинг аниқ миқдорини белгилаш мақсадида катта иш амалга оширилди. Маълум бўлишича бир қатор тижорат дўконлари киримни яширмоқдалар ва банк кассаларига пулни мунтазам равишда топширмайдилар. Айрим дўконлар эса умуман узоқ вақт фаолият кўрсатмайди.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида банк кассаларига кирим топширилиши 2,5 баробар ошишига эришдик.

Умуман, иқтисодий ислоҳотларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида банк юқори самарали лойиҳаларга кредит кўмаги кўрсатиш, мулкчилик шаклини ўзгартирган корхоналарнинг захиралари ва харажатлари учун қарз бериш, ўз вақтида қайтариш кафолатланган шароитларда мол-мулк сотиб олиш учун қарз беришга тайёрдир.

## СУҒУРТА ҲИМОЯСИ

*С. АБДУРАҲИМОВ,*
*"Ўзбекинвест" миллий суғурта компаниясининг бош директори:*

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ ташкил этилган "Ўзбекинвест" миллий суғурта компанияси республикамиз хукуматининг расмий суғурта агенти сифатида иш юритмоқда.

Инвестицияларни Ўзбекистонга жалб этиш, экспорт имкониятларини кенгайтириш, биздаги инвесторлар ва хорижий давлатлардаги экспорт борасида ишлаётган ҳамюртларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, халқаро суғурта агентликлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш — компаниямиз ўз олдига қўйган асосий вазифалар қаторига киради.

Ҳозирда "Ўзбекинвест" компанияси мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар ватанимиздаги ва хориждаги барча инвесторларга суғурта хизматларининг кенг турларини таклиф этади. Яъни, компания барча кўринишдаги хавф-хатарлардан суғурта ҳимоясини кўрсатиш имконига эгадир. Масалан, хорижий инвестор, кредитор ҳамда асбоб-анжом, маҳсулот ва моддий ресурсларни етказиб берувчиларни сиёсий йўналишдаги кутилмаган ҳодисалар оқибатидан ҳимоя қилади.

Биз юртимиздаги корхоналар ва тадбиркорлар билан фаол ҳамкорлик қилиш ва Ўзбекистонда суғурта хизматларининг замонавий бозорини ташкил этиш ва ривожлантириш ниятидамиз. Бинобарин, компания томонидан шу кунгача ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича бир қатор шартномалар тузилди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, "Ўзбекинвест" хусусий бизнесга суғурта ҳимоясини кўрсатиш ишига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Умуман,, "Ўзбекинвест" миллий суғурта компаниясининг фаолият йўналишлари жуда кенг ва турличадир. Бу орқали эса биз асосий мақсад: мулкчиликнинг барча шаклларида иш юритаётган хорижий ва ўзимиздаги тадбиркорлар манфаатлари суғуртавий ҳимоясининг комплекс механизмини ташкил этиш ва йўлга қўйиш ҳамда республикамизда иқтисодий ислоҳотларнинг олға силжишига ўз ҳиссамизни қўшиш сари интилмоқдамиз.

## НАҚД ПУЛИМИЗ ЙЎҚ

*Т. ЮНУСОВ,*
*"Ипак йўли" дўкони директори:*

— Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 10-дўкон биринчилар қаторида хусусийлаштирилганди, яъни жамоа мулкига айлантирилганди. Мана шундан кейин жамоа ўз ҳисоб рақамини очиб корхоналар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли билан фаолият кўрсатяпти.

Ўтган йили маҳсулот айланмамиз 8 миллион 600 минг сўмни ташкил қилди. Умумий даромадимиз эса 1 миллион 300 минг сўмдан ошиб кетди. Бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Жамоамиз ўтган йили халқимизга озиқ-овқат, чанқовбосли ичимликлар ва бошқа маҳсулотлар сотди. Дўконимиз ёнида "Иссиқ нон" цехини ташкил қилдик. Ишчиларимиз тандирда бўрсилдоқ нонларни ёпиб шу атрофдаги аҳолининг ўринли миннатдорчиликларига сазовор бўлишмоқда.

Муаммоларимиздан бири қўлимизда нақд пулнинг йўқлигидир. Чунки нақд пулга мол топширувчилар кўп. Лекин биз уларнинг маҳсулоти анча арзон бўлса ҳам ололмаймиз. Банклар эса бунга рухсат беришмаяпти.

**Шаҳар тадбиркорлари кенгаши материалларини "Тошкент оқшоми" мухбирлари Дилшод ИСРОИЛОВ ва Ғулом ЮСУПОВлар тайёрлашди.**

